

УДК: 657.1

Мустафоев Азимжон Фаррухович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис интитуту таянч докторанти

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ВА ДАРОМАДЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ТАВСИФИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ЖИҲАТЛАР

Аннотация. Мақолада нодавлат таълим ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида харажат ва даромадларининг тан олиниши, халқаро ва миллий стандартларда уларга оид келтирилган тартиб-қоидалар, олимлар томонидан берилган тавсиф ва таърифлар, муаллифлик таърифлари, шунингдек нодавлат таълим ташкилотларининг фаолият турларга таснифланган ҳолда харажат ва даромадларнинг гуруҳларга ажратилиши каби масалалар ўрин олган.

Калит сўзлар: нодавлат таълим ташкилотлари, таълим хизматлари, харажатлар ҳисоби, даромадлар ҳисоби, таълим жараёни, асосий фаолият, қўшимча фаолият, асосий бўлмаган фаолият, бошқа фаолият, молиявий ҳисобот.

ОПИСАНИЕ РАСХОДОВ И ДОХОДОВ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ КАК ОБЪЕКТОВ УЧЕТА: МЕЖДУНАРОДНЫЕ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ

Мустафоев Азимжон Фаррухович

базовый докторант Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация: В статье рассмотрены такие вопросы, как признание расходов и доходов в бухгалтерском учете негосударственных образовательных организаций, порядок действий, упомянутый в международных и национальных стандартах, описания и определения, данные учеными, авторские определения, а также классификация затрат и доходов. доходы негосударственных образовательных организаций по группам по видам деятельности.

Ключевые слова: негосударственные образовательные организации, образовательные услуги, учет затрат, учет доходов, образовательный процесс, основная деятельность, дополнительная деятельность, неосновная деятельность, прочая деятельность, финансовая отчетность.

DESCRIPTION OF COSTS AND INCOME IN NON-GOVERNMENT EDUCATIONAL ORGANIZATIONS AS ACCOUNTING OBJECTS: INTERNATIONAL AND NATIONAL ASPECTS

Mustafoev Azimjon Farrukhovich

PhD student, Samarkand Institute of Service and Economics

Abstract. The article contains issues such as the recognition of costs and revenues of non-state educational organizations in accounting, the procedures mentioned in international and national standards, descriptions and definitions given by scientists, author's definitions, as well as the classification of costs and revenues of non-state educational organizations into groups according to their activity types.

Keywords: non-governmental educational organizations, educational services, cost accounting, income accounting, educational process, main activity, additional activity, non-main activity, other activity, financial reporting.

Кириш.

Жаҳон тажрибаларидан маълумки, мамлакатда таълим хизматлари фаолияти ва тизимининг ривожланиши бевосита нодавлат таълим ташкилотлари сонининг кўпайиши билан бевосита боғлиқдир. Бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармонида иқтисодиётда хусусий тармоқлар ҳиссасини янада ошириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида “Иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш, давлат улуши мавжуд 2,3 мингта корхоналар сонини 6 баробарга камайтириш”[2] бўйича қатор вазифалар келтирилган. Миллий иқтисодиётимизда амалга оширилиб келинаётган бу каби натижалардан айтиш мумкинки, мамлакатимизда нодавлат ташкилотлари, жумладан уларнинг асосий таркибий бўғинлари ҳисобланган нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятларига берилаётган эътибор кун сайин ошиб бормоқда.

Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган фаолиятларни тўғри йўлга қўйиш, нодавлат ташкилотлар томонидан таълим хизматларини кўрсатиш бўйича жараёнларни бухгалтерия ҳисобида тўғри ташкил этиш, хусусан нодавлат таълим ташкилотларида харажат ва даромадлар ҳисобини халқаро тажрибаларга мувофиқ юритиш, ушбу натижаларни молиявий ҳисоботда акс эттириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда мазкур тадқиқот ишимизда нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, жумладан бунда харажат ва даромадлар ҳисобини юритиш ушбу бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш каби жараёнларда муҳим ҳисобланган харажат ва даромадларнинг ҳисоб объекти сифатидаги тавсифи ва таснифий мезонлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Даставвал, илмий тадқиқотларимиз давомида харажат ва даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи, илғор тажрибалар, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда корхона ва ташкилотлар даромадларига оид келтирилган таъриф ва тавсифлар ҳамда тадқиқот натижалари тадқиқ этилди.

Адабиётлар шарҳи.

Илғор хорижий тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларида даромад ва харажатларнинг таърифи, тавсифи, таснифи ишлаб чиқилган. Жумладан, “харажатлар” атамасининг ҳисоб объекти сифатида келтирилган таърифига кўра, “Хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларига тақсимлашлар билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошиши”[4], деб тавсифланган.

15-сон “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” МҲХСда атамалар бўйича келтирилган таърифга кўра, “Капитал иштирокчилари бадаллари билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг ошишига олиб келадиган, ҳисобот даврида активлар келиб тушиши ёки яхшиланиши ёки мажбуриятларнинг камайиши шаклидаги иқтисодий нафнинг ўсишидир”[5].

Худди шу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартида ташкилотларда “даромад” ва “тушум” атамаларини бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги икки хил таснифи келтирилган бўлиб, даромадлардан фарқли равишда тушум “ташкилотнинг одатдаги фаолиятдан юзага келадиган даромад”[5], деб тавсифланган.

Россия Федерацияси миллий стандартида қуйидагича таъриф келтирилган: “Ташкилотнинг даромадлари активларни олиш ва мажбуриятларни тўлаш натижасида иқтисодий фойданинг кўпайиши сифатида тан олинади, қайсики бу ташкилот

капиталининг кўпайишига олиб келади, иштирокчиларнинг бадаллари бундан мустасно"[6].

Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасида даромадлар, харажатлар, шунингдек фойда ва зарарлар ҳамда ушбу объектлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган бухгалтерия операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектлари сифатида эътироф этилган[1].

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун асос" Концептуал асосда келтирилган таърифларга кўра "Даромадлар – ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши. Ялпи даромад хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадларини ўз ичига олади"[7].

Концептуал асосда даромадларнинг асосий айрим таснифий мезонларига кўра турларга ажратилган ҳолда таърифлар келтирилган: "Асосий фаолиятдан даромад маҳсулот, ишлар, хизматлар, товар-моддий захиралар, бошқа активларни реализациясидан, шунингдек мукофотлар, фоизлар ва дивидендлар, гонорарлар ва хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятидан келиб чиқиб рента кўринишида олиниши мумкин. Солиққа тортиладиган даромад (зарар) – солиқ қонунчилигига мувофиқ аниқланадиган ҳисобот давридаги даромад (зарар) суммасидир"[7].

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда "харажатлар" категорияси бўйича ҳам таърифлар келтирилган бўлиб, ушбу таърифлар ҳам тадқиқ этилди: "Харажатлар атамаси мулкни бошқариш, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сотиш ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва зарарлар билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади"[7].

Корхона ва ташкилотларда харажат ва даромадлар бир-билан мувофиқ ҳолда бухгалтерия ҳисоби юритилиши лозим бўлиб, бу борада 1-сон "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" БҲМСда "Ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги ушбу даврда мазкур ҳисобот даврида олинган даромадларга асос бўлган харажатларни акс эттиришини билдиради"[8], деб келтирилган.

Хўжалик юритувчи субъектларда даромадлар таснифи, уларни тан олиш бўйича қоидаларни ўзида мужассамлаштирган 2-сон "Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар" БҲМСда "даромад" иқтисодий категорияси бўйича қуйидаги таърифлар келтирилган: "Даромад деганда хўжалик юритувчи субъектнинг одатий фаолияти давомида олинган даромадлар, шу жумладан маҳсулот реализациясидан (ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш) даромадлар, олинган фоизлар, дивидендлар, роялтилар ва бошқалар тушунилади. **Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар** – хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти даври давомида вужудга келадиган хусусий капитални кўпайишига олиб келадиган тушум, бундан мулк эгаларининг хусусий капиталга бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишлар мустасно"[9].

Даромад ва харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланиб, ушбу ҳисоботни тартига солиш бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқилган 3-сон "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" БҲМСда даромадларнинг бошқа турлари бўйича қуйидаги таърифлар келтирилган: "Фавқулоддаги даромад (зарар) – хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятидан аниқ фарқ қиладиган, яъни тез-тез ёки мунтазам содир бўлмайдиган ҳодисалар ёки битимлар натижасида юзага келган даромадлар ёки харажатларни намоён этади"[10].

24-сон "Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби" БҲМСда харажатларнинг корхона ва ташкилотлар фаолиятида учрайдиган яна бир тури бўйича таъриф келтирилган: "Қарзлар бўйича харажатлар – хўжалик юритувчи субъект томонидан қарз маблағларини олиши сабабли амалга оширилган фоизли ва бошқа харажатлар"[11].

Тадқиқот методологияси. Нодавлат таълим ташкилотларида харажатлар ва даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи, уларни халқаро ва миллий стандартларга мувофиқ такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот

ишларида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мазкур тадқиқот ишимизда нодавлат таълим ташкилотларида даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқилган миллий стандартлар, ушбу стандартларда келтирилган харажат ва даромадларига оид умумий тавсиф ва қоидалар жадвал кўринишида ёритилди:

1-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида харажат ва даромадларга оид ишлаб чиқилган қоидалар тавсифи¹

Стандарт рақами ва номи	Стандартда келтирилган тавсиф ва қоидалар
1-сон “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” БҲХС (IAS)	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида даромад ва харажатларнинг молиявий ҳисоботда, хоссатан фойда ва зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши ушбу стандартда келтирилган.
12-сон “Фойда солиғи” БҲХС (IAS)	Фойда солиғи даромади, фойда солиғи харажати бўйича таърифилар ва қоидалар ушбу халқаро стандартида келтирилган.
16-сон “Асосий воситалар” БҲХС (IAS)	Мазкур халқаро стандартда корхона асосий воситаларини харид қилиш, қуриш, барпо этиш бўйича амалга оширилган харажатларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш жараёнлари бўйича қоидалар ишлаб чиқилган.
20-сон “Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш” БҲХС (IAS)	Стандартда даромад бўйича грантларни акс эттиришга оид қоидалар тавсифланган.
23-сон “Қарзлар бўйича сарфлар” БҲХС (IAS)	Халқаро стандартда қарз мажбуриятлари вужудга келиши натижасида харажатларнинг келиб чиқиши ҳамда уларнинг ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилиши бўйича йўриқномалар келтирилган.
36-сон “Активларнинг қадрсизланиши” БҲХС (IAS)	Корхона активларининг бухгалтерия ҳисобидан чиқарилиши бўйича харажатлар, ушбу харажатларнинг тавсифи, таърифи, шунингдек қадрсизланишдан кўрилган зарарлар ушбу стандартда келтирилган.
38-сон “Номоддий активлар” БҲХС (IAS)	Стандартда корхона номоддий активларини харид қилиш, ишлаб чиқиш, барпо этиш бўйича амалга оширилган харажатларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш жараёнлари бўйича қоидалар ишлаб чиқилган.
15-сон “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” БҲМС (IFRS)	Хўжалик юритувчи субъектларнинг харидорлар билан ҳисоб-китоблари натижасида олинadиган даромадларга оид қоидалар ушбу стандартда келтирилган.
16-сон “Ижара” БҲМС (IFRS)	Стандартда корхона ва ташкилотларда ижара фаолияти натижасида амалга ошириладиган харажат ҳамда даромадларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар давомида миллий стандаримизда ишлаб чиқилган харажат ва

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

даромадлар бўйича тартиб-қоидалар тадқиқ этилди:

2-жадвал

Миллий стандартларда харажат ва даромадларга оид ишлаб чиқилган қоидалар тавсифи¹

Стандарт рақами ва номи	Стандартда келтирилган тавсиф ва қоидалар
1-сон “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” БҲМС	Корхона ҳамда ташкилотлар харажат ва даромадларини молиявий ҳисобот шаклларида акс эттириш тартиби, шунингдек изохлар, ҳисоб-китоблар, тушунтиришлар ҳамда ҳисоб сиёсатида харажат ва даромадларга оид ахборотларни ёритиб бериш масалалари ушбу стандартда келтирилган.
2-сон “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” БҲМС	Мазкур стандартда корхона ва ташкилотларнинг асосий фаолият турлари бўйича даромадларини тан олиш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича умумий тартиб-қоидалар келтирилган.
3-сон “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” БҲМС	Стандартда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг элементлари ҳисобланган харажат ва даромадларга оид кўрсаткичларни ушбу молиявий ҳисобот шаклида ёритиш бўйича қоидалар келтирилган.
4-сон “Товар-моддий захиралар” БҲМС	Ушбу стандартда корхона ва ташкилотларда товар-моддий захираларининг чиқиб кетиши натижасида олинган даромад ва улар билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартиблари ёритилган.
5-сон “Асосий воситалар” БҲМС	Мазкур стандартда асосий воситаларининг чиқиб кетиши натижасида олинган даромад ва улар билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тартиблари келтирилган.
6-сон “Ижара ҳисоби” БҲМС	Стандартда ижара шартномаси бўйича амалга оширилган операциялар натижасида олинган даромад ва улар билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш қоидалари ёритилган.
7-сон “Номоддий активлар” БҲМС	Ташкилотлар томонидан номоддий активларнинг чиқиб кетиши натижасида олинган даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тартиблари мазкур стандартда келтирилган.
8-сон “Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш” БҲМС	Корхона ҳамда ташкилотлар харажат ва даромадларини молиявий ҳисобот шаклларида акс эттириш тартиби келтирилган.
10-сон “Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар” БҲМС	Мазкур стандартда даромадларга киритиладиган субсидиялар ҳисоби бўйича қоидалар келтирилган бўлиб, ушбу даромадларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ёритиш бўйича қоидалар ишлаб чиқилган.
11-сон “Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар” БҲМС	Ташкилотлар томонидан илмий-тадқиқот ишлаб чиқишлар бўйича харажатларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ёки ушбу харажатларни актив сифатида баҳолаш орқали бухгалтерия балансида акс

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

	этириш бўйича қоидалар стандартда келтирилган.
12-сон “Молиявий сармояларни ҳисобга олиш” БҲМС	Стандартда молиявий инвестициялар бўйича амалга оширилган операциялар натижасида олинган даромад ва харажатларни ҳисобга олиш қоидалари ёритилган.
17-сон “Капитал қурилишга оид пудрат шартномаси” БҲМС	Қурилиш пудрати шартномалари бўйича харажат ва даромадларнинг тан олиниши, қурилиш ишлари бўйича вужудга келадиган даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда акс этиришга оид қоидалар ушбу стандартда келтирилган.
21-сон “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” БҲМС	Корхоналарда харажат ва даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида ёритилиши бўйича қоидалар, ушбу транзит счётларнинг бухгалтерия ҳисобидаги тавсифи, таркиби, мазмуни мазкур стандарт асосида бухгалтерия ҳисобида акс этирилади.
23-сон “Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш” БҲМС	Ушбу стандартда корхоналарни қайта ташкил этиш жараёнлари натижасида вужудга келадиган харажат ва даромадларнинг молиявий ҳисоботда акс этириш қоидалари келтирилган.
24-сон “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби” БҲМС	Корхоналарда қарз мажбуриятлари вужудга келиши натижасида харажатларнинг келиб чиқиши ҳамда уларнинг ҳисоб ва ҳисоботда акс этирилиши бўйича йўриқномалар мазкур стандартда ёритилган.

Юқорида келтирилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари таркибида ишлаб чиқилган қоидалар ҳамда тавсифлар нодавлат таълим ташкилотларида харажатлар ҳамда даромадлар бухгалтерия ҳисобини юритишда, уларга оид кўрсаткичларнинг молиявий ҳисобот шаклларида акс этиришда муҳим бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан ташкилотлар харажат ҳамда даромадларини бухгалтерияда ҳисобида юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”[3] ги Қарорига мувофиқ нодавлат таълим ташкилотларида харажат ва даромадлар ҳисоби тартибга солинади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан турли тармоқларда даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар ишлари олиб борилган бўлиб, “даромад” ва “харажат” категориялари бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд. Мазкур тадқиқот ишимизда хорижий ва маҳаллий олимларнинг ушбу йўналиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида келтирилган таъриф ва тавсифлар тадқиқ этилди:

Мамлакатимиз олимларидан Т.С.Маликов ““ХЮСнинг харажатлари” тушунчаси “ХЮСнинг чиқимлари” тушунчасидан фарқ қилиб, улар бевосита молиявий категориялар ва биринчи навбатда маҳсулот таннархи билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳам, ХЮСнинг харажатларига унинг моҳиятини ифодаловчи қуйидагича таъриф бериш мумкин: фойда олиш ёки ХЮСнинг бошқа мақсадларига еришиш учун фойдаланиладиган ресурсларнинг пул қийматига ХЮСнинг харажатлари дейилади”[12], деб таъкидлайди. Бир-бирига ўхшаш атамаларнинг фарқли жиҳатларини очиб берувчи ушбу таъриф уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда муҳим аҳамият касб этади.

Б.Ф.Боронов қуйидагича изоҳ беради: “Ишлаб чиқариш харажатлари деганда, маҳсулотларни асосий ишлаб чиқариш бўлимларига сарфланган ҳамда ушбу бўлимларда

ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулотларнинг таннархини ташкил этадиган харажатлар тушунилади”[13]. Ушбу ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари мисолида ишлаб чиқилган.

Д.С.Ташназарова эса, ўзининг илмий тадқиқот ишида “Харажатлар – бу кўзланган мақсадларга (маҳсулот ишлаб чиқариш, товарлар хариди, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, лойиҳаларни амалга ошириш) эришиш учун сарфланган барча ресурслар кийматининг пулдаги ифодасидир”[14], деб тушунтиради.

М.Ж.Темирханова томонидан қуйидаги таърифни учратиш мумкин: “Туристтик маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум деганда туристларга кўрсатилган трансферт, меҳмонхоналарга жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсия қилиш, дам олиш, хордиқ чиқариш, турли маданий, маърифий, маънавий талабларни қониқтирадиган тадбирларга иштирок этиш ва шу каби кўплаб бошқа хизмат турларидан олинган жами соф тушум тушунилади”[15]. Туризм ташкилотлари мисолида берилган ушбу таъриф ушбу ташкилотларда даромадларнинг барча кўрсаткичларини жамлаб олган, деб айтиш мумкин.

З.Б.Эшпулатова “Даромадлар – бу молиявий ҳисоботнинг асосий элменти бўлиб, ҳисобот даври давомида таъсисчиларнинг қўшимча капитал киритишидан ташқари хусусий капиталнинг кўпайишида ўз аксини топган активларнинг келиб тушиши ва (ёки) сифатининг яхшиланиши ва (ёки) мажбуриятларнинг сўндирилиши кўринишида иқтисодий нафнинг олиниси”[16], деб таъкидлайди. Ушбу таърифни беришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида келтирилган тартиб-қоидалар ҳисобга олинган.

Юқорида олимлар томонидан берилган даромад ва харажатлар тушунчаларига оид таъриф ва тавсифлар муҳим аҳамият касб этади. Шундай бўлсада, бироқ нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таърифи илмий-ўқув адабиётларимизда ҳозирги кунгача ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун, ушбу тадқиқотлар давомида нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб, даромад ва харажатлар тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқишни лозим, деб кўрдик:

Нодавлат таълим ташкилотларида даромад – бу давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ амалга ошириладиган асосий ва қўшимча фаолият, шунингдек белгиланган тартибга мувофиқ амалга ошириладиган асосий бўлмаган ва бошқа фаолиятларни кўрсатиш натижасида олинган тушум”.

Нодавлат таълим ташкилотларида харажат – бу давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ амалга ошириладиган асосий ва қўшимча фаолият, шунингдек белгиланган тартибга мувофиқ амалга ошириладиган асосий бўлмаган ва бошқа фаолиятларни кўрсатиш натижасида сарфланган ресурслар”.

Биз томонимиздан нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини кўрсатиш бўйича даромад ва харажатлар тушунчасига бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида берилган муаллифлик таърифлари нодавлат таълим ташкилотларида харажат ва даромадларни бухгалтерия ҳисобида тўғри юритишга, уларни молиявий ва бошқарув ҳисоботларида тизимли акс эттиришга кўмаклашиб, бухгалтерия ҳисобини назарий ва амалий такомиллаштиришга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, ушбу муаллифлик таърифларининг мамлакатимизда ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига киритилиши ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини янада бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда харажат ва даромадларининг уларнинг турли хил мезонлари бўйича таснифий асослари ишлаб чиқилмаган. Бугунги кунда, бухгалтерия ҳисоби олдидаги бу каби муаммолар нодавлат таълим ташкилотларида харажат ва даромадларнинг таснифий асосларини белгилаб олиш ҳамда уларни корхоналар амалиётида жорий этиш каби долзарб вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Юқоридаги тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, нодавлат

таълим ташкилотларида харажат ва даромадларнинг таснифий асосларини ишлаб чиқиш бевосита ушбу ташкилотларнинг фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, даставвал, ушбу тадқиқот ишимизда нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг таснифий гуруҳлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, биз томонимиздан нодавлат таълим ташкилотларида харажат ва даромадлар таркиби белгилаб олинди:



1-расм. Нодавлат таълим ташкилотларининг даромад ва харажатлари гуруҳлари¹

Ушбу расмдан кўриш мумкинки, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг фаолият турларига мос равишда даромад ва харажатлар гуруҳларга ажратилди.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хулоса қилиб айтиш жоизки, таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат таълим ташкилотлари фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бугунги кунда ушбу ташкилотлар фаолиятини тўғри таснифлаш, уларни таркибий қисмларга ажратган ҳолда харажат ва даромадлар бухгалтерия ҳисобини юритиш бугунги ҳисоб олдидаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади, деб айтиш мумкин.

Юқорида тадқиқотларимиз асосида эришилган натижалар асосида айтишимиз мумкинки, нодавлат таълим ташкилотлари фаолияти ўз ичига асосий фаолият, қўшимча фаолият, асосий бўлмаган фаолият ва бошқа фаолият турларини қамраб олади. Биз томонимиздан тавсия этилган нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини тўртта гуруҳга ажратиш ушбу тармоқ ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишда ўзига хос хусусиятларга.

Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини тўртта гуруҳга таснифлаш таълим хизматлари фаолиятини тўғри ташкил этишга, ушбу фаолият бўйича харажат ва даромадларни алоҳида ҳисобга олишга, харажат ва даромадлар устидан назорат олиб

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

боришга, харажатларни тўғри бошқариш орқали таълим хизматлари таннархини пасайтиришга, даромадларни тўғри ҳисобда юритиш орқали корхоналар фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишга кўмаклашади.

Нодавлат таълим ташкилотлари фаолияти бўйича кўрсаткичларни биз томонимиздан тавсия этилган тарзда молиявий ва бошқарув мақсадлари йўлида ишлаб чиқиладиган ҳисоботларда акс эттириш ташқи ва ички ахборот фойдаланувчиларининг нодавлат таълим ташкилотлари харажат ҳамда даромадлари бўйича ахборотларга бўлган эҳтиёжларини муайян даражада қондиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2023 йил 11 сентябрь. ПФ-158.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 1999 йил 5 февраль. 54-сон.
4. Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асослари. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи. 2022 йил 10 ноябрь, 61-сон.
5. 15-сон МХХС (IFRS) “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар”.
6. Положение по бухгалтерскому учёту “Доходы организации” ПБУ 9/99. Россия Федерацияси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилган. 1791-сон.
7. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилган. 475-сон.
8. 1-сон БХМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” // АВ томонидан 14.08.1998 й. 474-сон билан рўйхатга олинган.
9. 2-сон БХМС “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар” // АВ томонидан 26.08.1998 й. 483-сон билан рўйхатга олинган.
10. 3-сон БХМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” // АВ томонидан 25.08.1998 й. 484-сон билан рўйхатга олинган.
11. 24-сон БХМС “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби” // АВ томонидан 18.08.2009 й. 1996-сон билан рўйхатга олинган.
12. Маликов Т.С. Маъруза матни. <https://staff.ttiame.uz/storage/users/58/presentations/gwPvgkOTiEssIdkJLvn1YAFIz1lEwWu325r4qPNO.pdf>
13. Боронов Б.Ф. Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш. – Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2023, 244 б.
14. Ташназарова Д.С. Корхоналарда маҳсулот таннархи ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТДИУ, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2023, 129 б.
15. Темирханова М.Ж. Туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. -Т.: 2020.
16. Эшпулатова З.Б. Корхоналарда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТДИУ, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2022, 148 б.